

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2022  
3-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274

<b>Жасур Раззоқов.</b> “Термодинамика” мавзусини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда когнитив қизиқишни ривожлантириш” .....	90
<b>Сайёра Тўраева.</b> “Ўқитувчининг мослашувчанлик компетентлигини ривожлантиришда касбий ниятнинг айрим педагогик-психологик хослиги” .....	93
<b>Feruz Mardonova.</b> “Atom va yadro tuzilishi” mavzusini mustahkamlashda “akvarium” metodining qo‘llanilishi” .....	96
<b>Mahbuba Mamajanova.</b> “Methodology for the formation of professional competence of students on the basis of innovative motivation” .....	99
<b>Гулбаҳор Жўраева.</b> “Таълим кластери шароитида талабаларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш” .....	102
<b>Шохиста Низомова.</b> “Муҳаммад Юсуф шеърларида инсон ҳис-туйғуларининг сув ва олов тимсолларида берилиши” .....	106
<b>Фазлиддин Инамов, Ибодуллохон Солиев.</b> “Наманган вилояти саноатни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари” .....	109
<b>Oylola Ibrohimova.</b> “Experimental works in the field of implementation of international English teaching and assessing programs into the education system of Uzbekistan” .....	111
<b>Даврон Равшанов.</b> “Улучшение результатов хирургического лечения парасагиттальных менингиом головного мозга” .....	116
<b>Шахноза Сабирова.</b> “Оценка эффективности педагога – форма профессионального развития” .....	119
<b>Olim Alimnazarov.</b> “Innovatsion ta’lim jarayonida o‘quvchilarining mustaqil ta’limini tashkil etish metodikasi” .....	121
<b>Мушарраф Махмудова.</b> “Ички ишлар вазирилик академик лицей ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик тўғрисидаги фаолияти” ....	124
<b>Sevara Zaripova.</b> “Innovatsion ta’lim sharoitida o‘quvchilarda radiant fikrlashni shakllantirish” .....	127
<b>Лейло Аллаёрова.</b> “«Мягкая сила» КНР” .....	129
<b>Санобар Ашурова, Хилола Юсупова.</b> “Ўқитиш тамойиллари таълим жараёнида дидактик воситалар ва материаллардан фойдаланишнинг асоси сифатида” .....	132
<b>Санобар Ашурова, Комила Гуломова.</b> “Профессионал таълимда бўлажак мутахассисларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш орқали мустақил фаолиятни ташкил этишда замонавий ёндашувлар” .....	134
<b>Махмуд Мамарасулов.</b> “Олий таълимни рақамлаштириш ва унинг истикболлари” .....	138
<b>Бахтиёр Қодиров.</b> “Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини блум таксономияси асосида ривожлантириш имкониятлари” .....	141

7. Мусаева Н.Н. Технология обеспечения непрерывности обучения в системе непрерывного профессионального образования. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2019. - 70 б.
8. Научный электронный ежеквартальный журнал НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: XXI ВЕК Выпуск 2 (6). Summer 2014.
9. Ниматов Қ.Р, Абдуллаев Қ.Х. Академик лицей-ўрта махсус касб-хунар таълимнинг асосий бўғини // Касб-хунар таълими. –Т.: 2000.
10. [http://doi.org/10.15350/L\\_2/3](http://doi.org/10.15350/L_2/3)
11. <https://xs.uz/uzkr/post/talim-tizimi-islohotlari-ozbekistonda-yangi-ujgonish-davri-pojdevorini-yaratadi>
12. <https://lex.uz/docs/4545884>



## МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРЛАРИДА ИНСОН ҲИС-ТУЙҒУЛАРИНИНГ СУВ ВА ОЛОВ ТИМСОЛЛАРИДА БЕРИЛИШИ

Шохиста Низомова,

БухДУ Мактабгача ва бошланғич таълим факультети  
Мактабгача таълим кафедраси (PhD) ўқитувчиси

### Аннотация

Ушбу мақолада Муҳаммад Юсуф шеърларида инсон ҳис-туйғуларининг сув ва олов тимсолларида берилиши ҳақида фикр юритилган. Ўзбек шеърляти бир-биридан ажойиб рамзларга, ўхшатишларга бой. Айниқса, сув ва олов тасвири шеърлятимизда ўзига хос образликни яратган.

**Калит сўзлар:** замонавий шеърлят, образ, бадиий образ, анъана, қадрият.

### Аннотация

В данной статье рассматривается изображение человеческих эмоций в стихах Мухаммада Юсуфа в символах воды и огня. Узбекская поэзия богата чудесными символами и аналогиями. В частности, образ воды и огня создал в нашей поэзии неповторимый образ.

**Ключевые слова:** современная поэзия, образ, художественный образ, традиция, значение.

### Annotation

This article discusses the representation of human emotions in the poems of Muhammad Yusuf in the symbols of water and fire. Uzbek poetry is rich in wonderful symbols and analogies. In particular, the image of water and fire has created a unique imagery in our poetry.

**Keywords:** modern poetry, image, artistic image, customs, value.

Сув ва олов образлари бадиий ижодда ўз ва кўчма, ижобий ва салбий маъноларда кўп қўлланганини кузатиш мумкин. Маълумки, халқ шеърлятида дарё, сой, чашма, булоқ, ариқ, жилға, қудуқ сувлари ижобий оттенкада, денгиз, кўл сувлари эса салбий оттенкада талқин этилиши кузатилади. Айнан шу анъана замонавий шеърлятда ҳам давом эттирилгани алоҳида эътиборни тортади.

Ибтидий кишилар тасавури асосида яратилган асотир ва афсоналар, эртақларда тасвирланишича, инсонлар дунёси каби сув дунёси ҳам мавжуд. Унинг ўз ҳукмдорлари ва қонун-қоидалари бор. Масалан, юнонларда Нептун (Посейдон) денгиз маъбуди сифатида талқин этилган.

Ана шундай тасаввур, тушунчалар асосида сув ва инсонлар дунёсини ўзаро ўхшатиш, тенглаштиришдан иборат метафорик кўчимлар пайдо бўла борган.

Бундай образлантириш эса ҳозиргача сақланиб келаётганлиги алоҳида эътиборни тортади. Масалан, ҳозирги шеърлятда ҳам сув билан боғлиқ афсонавий образ – сув париси тимсоли учрайди. Зеро, қадимги инсонлар сув мамлақати, сув девлари ва сув париларига ишонч билан қарашган. Улар ҳақида турли афсона ва эртақлар яратишган. Пари, асосан, инсон қиёфасида тасаввур қилинади, кўп ҳолларда у чиройли қиз ёки йигит, айрим ҳолларда ҳайвон, қуш, олов тарзида тасвирланади. [1, 118]

Хоразм афсоналарида парилар кўпинча сув илоҳларига боғлаб талқин қилинади. Шунинг учун сув париси париларнинг бир тури сифатида кўрсатилади ва у жуда гўзал қиз суратида тасвирланади. Эрон ва Ўрта Осиёнинг қадимги инонч-этиқодлари қатламига мансуб сув парилари образи сувнинг Анахита каби антропоморф маъбудлари тимсоли пайдо

бўлмасдан аввал сув руҳи тимсоли сифатида тасаввур қилинган.

Халқимиз орасида ҳам сув париси ҳақидаги афсоналар жуда кенг тарқалган. Шулар асосида Муҳаммад Юсуф “Сувпар” шеърини яратар экан, уни фақат сув билан эмас, осмон (кўк) билан ҳам боғлаб, ўзига хос оригиналликка эришган. Қолаверса, шоир сув парисини “хур” дейиш орқали сув, осмон ва ерни туташтирувчи восита эканлигига ишора қилади. Негаки хур – жаннатга бокира кетган қиз тимсолини англатса, кўкдаги пари унинг илоҳийлигини, кўк кўлдалиги эса унинг янада сирлилигини англатишга хизмат қилмоқда. Шоир “к” ҳарфини аллитерация сифатида қўллаш воситасида “кўл” сўзининг маъносини янада кучайтиришга эришмоқда. Чунки халқ кўл суви оқмаслиги боис, уни нопок деб қараган. Шунинг учун унга тушган хур-пари “тиниб”, жимиб қолгани, яъни ҳалок бўлгани таъкидланмоқда:

Сен кўкдаги ҳарир кўйлак хур-пари,  
Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпар.

Англашиладики, олов ва сув мусулмончиликкача бўлган даврда энг муқаддас поклаш воситаси саналган. Лекин зардуштийликнинг маросим амалиётида олов ўзининг поклаш хусусиятини аста-секин йўқота борган. Шундай бўлса-да, унинг поклаш хусусияти айрим халқ удумларида, шомончилик амалиётида мустаҳкам сақланган. Хусусан, оилавий-маиший маросимларда, халқона “даволаш” усулларида шомонликдаги оловдан фойдаланиш қисман сақланиб қолган. Бунга келин-куёвни олов атрофидан уч марта айлан-тириш, Бухорода куёвнинг келин хонадонига машъала билан бориши, жасад чикқан уйда қирқ кунгача олов ёқиб, ёнида сув тўла пиёла (коса ё кўза қўйиш), уч кунгача ўчоқ ёқиб овқат пиширмаслик, беморларга “алас” қилиш сингари ҳозиргача давом эттирилаётган қатор удумларни мисол қилиш мумкин. Қизиғи шундаки, уларга ишора этнографик фольклоризм сифатида замонавий шеърятда ҳам учрайди [2, 96].

Муҳаммад Юсуфнинг “Кокилинг” шеърисида сирни тошга ёки сувга айтиб, фол очиш ҳолатига ишора ва ишонч ифода этилган:

Тошга айтсам, тўлғонар,  
Сувга айтсам, сув ёнар,  
Кокилинг ким кесди, ёр?

Шоирнинг “Тўёна” шеърисида эса келин келган кўчада гулхан ёқиш одати тилга олинган:

Тўйкўчада тонг отгунча гулхан ёнди,  
Борай десам, тополмадим кўйлагимни.  
Гулхан ичра гулхан бўлиб бир жон ёнди,  
Куя-куя кулга кўмдим тилагимни.  
Бағрим ёнар, онажоним, сиз билмайсиз,  
Ҳижрон отли ханжар тилар юрагимни!  
Тўйкўчада туни билан гулхан ёнди.  
Бу одат шоирнинг “Келинчак” шеърисида ҳам тилга

олиб ўтилган:

Тўй кечаси тўйхонада  
Гулхан ёнди, мен ёнмадим.

Шундай шеърлар борки, уларда сув ва олов шунчаки йўл-йўлакай образ вазифасида учраб, асосий ғоянинг қайсидир нуқтасини ёритишга хизмат қилади. Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг “Маҳаллийчилик” шеърисида халқ ва унинг манфаатларини худди ерни каламушлар кемиргани, даштда шер жайронларни қийратгани каби маҳаллийчилик балоси емиришини айтиш учун “Тошни сув кемирар. Сувни қаро ер” деган халқ мақолидан ирсолли масал санъати сифатида фойдаланган.

Муҳаммад Юсуф ижодида ўтган асрнинг 80-йилларида юз берган Афғон уруши воқеаларига муносабат алоҳида ўрин тутди. Шоир бу уруш туфайли “Ер ёнар жаҳаннам Афғонда ял-ял” деган тавсифни келтиради. Бу билан Ер юзида уруш нуқтасига айланган Афғонистонни жаҳаннам (доимий олов ёниб турган дўзах)га ўхшатади. Ҳатто бу ерда булут ҳам кулранг кўрпа янглиғ ёнишини, бир маҳал “Навоий Ҳиротда, Қобулда Бобур” не тиклаган бўлса, барчаси ёнаётганини айтади. Бу урушга мустабид тузум зўравонлиги остида юборилган ва бевақт вафот этган, излари чўғ бўлиб ёниб қолган қаҳрамон йигитлар, шу оловлар ичида бўй етган қизларнинг фожиали тақдирга ачинади. Бу халқ “ўғлини оташидан яралган учкун” деб билишини айтади.

Шоир ошиқ руҳий вазиятларини тасвирлаш учун “Маънос чехранг кўксимни ёқиб” каби мисралардан кўп фойдаланган.

“Бободехқоним” шеърисида офоб чиқишидан то офтоб ботишигача танасига сочилган чўғларни писанд қилмай даласига парвона деҳқон образини яратган. Уни ташнаи зор қилгунча ўзингсан, оби ҳаёт тара-тувчи, буюк сувчи ўзингсан дея тавсифлаган. Ўзинг билан пайкалда сув кечиб юрган болангман дея унга ўзини яқин тутган. [5, 110]

Муҳаммад Юсуфнинг “Жангчи-шоир мактуби” шеърисида лирик қаҳрамон тушларида кўрган олтин сойлари ҳақида сўзлайди. Ўзининг ҳарбий хизмат, йигитлик бурчини ўташ мажбурияти юзасидан ўзга юртларга келиб қолганлигини ўзбек халқ достони қаҳрамони, Зухранинг ошиғи Тоҳирнинг дарёларда оқиб бегона жойларга бориб қолганлигига ўхшатади. Ўзини “бир қирғоққа кўзим тўймай боқиб кетдим, дея айблаб, ёридан кечирим сўрайди. Бу ҳам юрт олдида синов-имтиҳон эканини, унинг учун тизза бўйи қонлар, олов кечганлигини айтади.

Шоир “Ота” шеърисида ёшин яшаб ўтмаган отажони ҳақида ёзар экан, у ҳақда шундай ёниб сўзлайди:

Ота десам, бағри-дилим ёнаверар,  
Қуним ёнар, ойу йилим ёнаверар,  
Мозорига қўйган гулим ёнаверар.

“Оқ тулпор” шеърида кафтида сув ичадиган оқ тулпори борлиги, аммо шу тулпор келин келган кечада аразлаб, чавандоз йигитни ҳайратлантиргани, икки ўт орасида қолдиргани ҳазил йўли билан ифода этилган.

“Эрка кийик” шеърида эрка кийикка мурожаат қилиб, уни янтоқларга, саҳроларда қуримаган булоқларга биргалашиб йиғлашга чорлайди. Ҳар иккаласининг умрининг барча йўли, сўкмоғи чўғ эканини айтади. Бу чўғдан эса кўркмасликка ундайди.

Шоирнинг “Туркман қиз” шеърида юзлари ловлов ёнган, елкасида кесилмаган қирқ кокили тўлғонган, элининг урфларини хор қилмаган, кулгичида офтоб чиқиб, офтоб ботган, кечалари ойбалдоғи ёниб турган, узун қўйлақ туркман қизнинг гўзаллиги тавсифланган. “Ўзбек қизларига” шеърида эса “Ёнсам ҳажрингизда менинг ёнишим, куйсам сиз туфайли кўнглимдаги чўғ”, дея уйланиш учун туркман қизларидан таниши ҳам, уларнинг қалини учун берадиган туяси йўқлигини айтиб, ҳазил қилади. [4, 175]

“Ширин азобим – севги” туркумидаги шеърларида илк севгиси юрагига тош қалаётган ошиқ оҳ-нолалари, бу тошларнинг ҳар қирраси қизил чўғдек, жонини оғритаётгани, аммо бу оғриққа даво йўқлиги, бундан дунё бўғзига тўлиб, ёрнинг хаёли ёниб турган кунчалик кўзга ботиб қолгани, ёр хаёлидан ўчган бўлишига қарамай, ўзи ёрни унута олмаётганини билдиради. Шоир муҳаббатни кўпинча юрагида ловуллаган чўғ-

га тенглаштиради.

Умуман олиб айтганда, йиллар ўтса ҳам, маъшуқасини унутолмай ёнаётган, ишқ йўлида шамдай ёниб, шамдай ўчаётган ошиқ тимсоли шоир шеърларида кўп учрайди. У “Мен биттадурман” шеърида: “Суймоқ бу – гулханда куймоқ азали”, – дейди. Шунинг учун севгига мурожаат қилиб: “Сендан кўрқаман. Оташ нигоҳинг қадаб жонимни ёқиб кийнама”, – дейди. Чунки ишқдан бағри ёниб яшашини таъкидлайди. Ишқда бекиёс меҳр билан ёнишини ва дардлашай деб дили куйишини айтади.

“Келинчак” шеърида ёрининг пойига интиқ бўлиб дили ёнаётган ошиқ ҳолатини акс эттирса, “Ўп мени...” шеърида йиғлаётган кўнгли, аммо бундан кўзларнинг тонаётгани, ёр маъшуқага буни сезмок учун “Кўкрагимга кўксинг қўйгин – ёнмоқда”, дея мурожаат қилади. “Ёлғончи ёр” шеърида ёр ёлғонини куйдиргувчи чўғга ўхшатади:

Мажнун бўлдим саҳроларда, бир соя йўк,  
Менга офтоб – қароқчидан ҳимоя йўк.  
Ўнгимда чўғ, сўлимда чўғ, кўнглимда чўғ.

Муҳаммад Юсуф “Ишонгандим дўстимга” шеърида шоир дўсти алдагани сабабли бағри-дили гулхан бўлиб чарсиллаб, ловиллаб ёнаётганидан оҳ чекади. [5, 98]

Хуллас, Муҳаммад Юсуф шеърларида сув ва олов тимсоллари инсон туйғулари ифодасининг муҳим воситаси сифатида юксак маҳорат билан кенг қўлланилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 276 б.
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.
3. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 б.
4. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008. – 290 б.
5. Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз: Шеърлар тўплами. – Т. Ниҳол, 2008. – 192 б.
6. Алимуҳамедов А. Антик адабиёт тарихи. Иккинчи нашири. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 1975. – Б.330. (416)
7. Снесарев Г.П. – Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. Б.24-57.

